# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 8 май, № 89 (8712) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ВЕНГРИЯ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти 7 май куни қўшма Ҳукуматлараро комиссия тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийяртони қабул қилди.**

Петер Сийярто давлатимиз раҳбарига Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди ҳамда учинчи Тошкент инвестиция форуми муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат стратегик шериклиги изчил мустаҳкамланиб, амалий алоқалар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми икки баробар кўпайди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони ошмоқда.

Саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, логистика, кўчмас мулк объектларини қуриш ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди. Тошкент вилоятида Венгрия ва Европа компанияларининг лойиҳалари учун махсус иқтисодий зонани тез фурсатда ишга тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Гуманитар алмашинув ҳам кенгаймоқда. Талабаларимиз Венгриянинг етакчи олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилотидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.**

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан мамлакатимиз етакчиси кузатувчи давлат раҳбари сифатида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 79 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади.

Ташриф доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**7 май куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш тантанали маросими бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Венгрия элчиси Йожеф Рожа, Эрон Ислом Республикаси элчиси Муҳаммадали Искандарий, Чехия Республикаси элчиси Любомир Фреборт, Ўмон Султонлиги элчиси Вафо ал-Бусаидий, Жазоир Халқ Демократик Республикаси элчиси Муҳаммад Ирқийдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини тайинлов билан самимий қутлаб, Ўзбекистон ва улар вакиллик қилаётган мамлакатларни яқинлаштириш, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришдаги муҳим ўрнини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти глобал геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланишга таҳдидлар тобора кучаётган ҳозирги даврда давлатлар ўртасида конструктив мулоқотни, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишда дипломатлар фаолияти янада муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Жумладан, дунёдаги барча давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш, хусусий сектор учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш.

— Бугунги Ўзбекистон — жаҳонга кенг очилаётган, хорижий шериклари билан узоқ муддатли ва кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бораётган тинчликсевар ва адолатли ижтимоий давлатдир, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги етти йилда икки баробар ўсгани, инвестициялар, савдо айланмаси ҳажми муттасил ошаётгани, экспорт географияси кенгаётганига эътибор қаратди. Дунёдаги етакчи компаниялар, машҳур брендлар бозоримизга фаол кириб келмоқда.

Куни кеча 93 та мамлакат вакиллари иштирокида ўтган учинчи Тошкент инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлисининг муваффақиятли ўтказилгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам халқаро майдонда очиқ, прагматик ва ташаббускор ташқи сиёсатни изчил давом эттиришини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари элчилар диққатини улар вакиллик қилаётган мамлакатлар билан муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги даражага кўтариш муҳимлигига қаратди.

Президентимиз Венгрия элчисига мурожаат қилар экан, Будапешт Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим ва вақт синовларидан ўтган ишончли шериги эканини қайд этди.

— Сўнгги йилларда Бош вазир Виктор Орбан билан биргаликдаги қатъий интилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатларимиз натижасида алоқаларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилди, — деди Президент.

Шунингдек, икки томонлама товар айирбошлаш икки баробар ўсди, қўшма корхоналар сони ошмоқда, ўтган йили Будапештда Ўзбекистон элчихонаси очилди, юздан ортиқ ўзбекистонлик талаба “Stipendium Hungaricum” дастури доирасида Венгрия олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Юртимиз бозорида Венгриянинг “OTP Bank”, “Bonapharm”, “Gedeon Richter”, “Meditop” каби бир қатор етакчи компания ва банклари муваффақиятли ишламоқда.

Тошкент ва Будапешт ўртасида авиақатновлар бошланиши ишбилармонлик алоқалари ва туризм алмашинувларини янада фаоллаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар кўп минг йиллик тарихий илдизлардан куч олаётганини таъкидлади. Бугунги Эрон катта иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Кейинги йиллардаги олий даражадаги тарихий ташрифлар ва эришилган муҳим келишувлар муносабатларимизда янги юксалиш даврини бошлаб берди.

Барча даражада ўзаро мулоқотлар фаоллашди. Икки томонлама савдо ҳажми ўсмоқда, қўшма корхоналар сони 300 тага етди. Қайд этилганидек, томонлар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ режаларни белгилаб олган.

Ўзбекистон Эрон билан тоғ-кон, энергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан манфаатдор.

Транспорт йўлаклари ва транзит борасидаги ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз Чехия Республикаси Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги анъанавий ва муҳим ҳамкори эканини таъкидлади. Ўтган йили ҳукумат делегацияларининг ўзаро ташрифлари икки томонлама алоқаларимизни янги босқичга кўтарди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ўзаро савдо икки баробар кўпайгани ҳамкорлик борасида катта имкониятлар мавжудлигини яққол тасдиқлайди. Ўзбекистонда Чехиянинг етакчи компаниялари саноат, инфратузилма, тиббиёт, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Тошкент — Прага авиақатновлари йўлга қўйилмоқда.

Келишилган инвестиция лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш ва саноат кооперацияси бўйича дастурни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди. Чехия Экспорт банки ҳамда Экспортни кафолатлаш ва суғурталаш корпорациясининг мамлакатимиз банк-молия бозорига кириш режалари юқори баҳоланди.

Президентимиз Ўмон Султонлиги Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Муқаддас ислом дини, ўхшаш урф-одат ва қадриятлар ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

— Тошкентда Султон Ҳайсам Ол Саид иштирокида очилган Шарқшунослик институтининг муҳташам кутубхонаси давлатларимиз ўртасида ўзига хос дўстлик рамзи бўлиб келмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Икки мамлакат ҳамкорлигида ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият бор. Тез орада Ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишини ўтказиш, Ишбилармонлар кенгашини тузиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, телекоммуникация, тўқимачилик саноати, туризм каби соҳалар ҳамкорлик учун истиқболлидир. Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компанияси имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Жазоир араб-мусулмон дунёсида жадал суръатда тараққий этаётгани, катта иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат, Африка қитъасидаги истиқболли шеригимиз эканини таъкидлади. Жазоир араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Тошкентда ўз элчихонасини очган.

Олий даражадаги учрашувларни ташкил этиш, сиёсий маслаҳатлашувлар механизмини жорий этиш, Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказиш зарурлиги, бу икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлаши таъкидланди.

Нефть-газ, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида аниқ инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун делегацияларнинг ўзаро ташрифларини уюштириш зарурлиги қайд этилди.

Маросим якунида Президентимиз элчиларга шарафли фаолиятида катта муваффақиятлар тилаб, мамлакатимиз ҳудудларига бориш, юртимизда бўлаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишга чақирди. Бу, ҳеч шубҳасиз, ҳамкорлик мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Дипломатлар самимий қабул, самарали фаолиятига яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга бор саъй-ҳаракатларини қаратишларини таъкидладилар.

**ЎзА.**

## Мулоқот

# БМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори вазифасини бажарувчи Консуэло Видал Брюс билан учрашув ўтказди.*

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган идоралари билан ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, гендер тенгликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда экологик муаммолар, жумладан, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, мулоқот давомида Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва давлат раҳбари томонидан халқаро майдонда илгари суриб келинаётган ташаббуслар БМТ томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши таъкидланди. Бу эса ушбу нуфузли тузилма билан муносабатлар изчиллик касб этаётганининг яққол тасдиғидир.

Консуэло Видал Брюс хоним Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни юксак баҳолаб, республикамизнинг БМТ билан ҳамкорлиги янги босқичда ривожланаётганини қайд этди.

Дўстона ва конструктив руҳда ўтган учрашувда тизимли мулоқотни давом эттириш, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, умуман, барча йўналишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни давом эттиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, аҳолига кўрсатилаётган бандлик хизматлари самарадорлигини ошириш, фитосанитария талабларини енгиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги ҳамда транспорт вазирлари ахборотлари эшитилди. Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолиятига доир масала муҳокама марказида бўлди.

➡ 2

## Халқаро форум олдидан

# ҚИТЪА АЁЛЛАРИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА

*Аёлнинг нозик жуссасида фарзандлари, оиласи, қолаверса, бутун жамият ва миллатнинг оғир ва залварли юкини кўтаришга қодир матонат ва шижоат бор. Хотин-қизлар дунёнинг бугуни ва эртаси қанчалик фаровон, тинч-осойишта бўлишида муҳим ўрин тутади. Аёллари эъзозланган, қадри баланд тутилган юртлар барқарор ривожланиб бораётганида ҳам айни шу ҳақиқат мужассам.*

Аммо аёлга эътибор барча мамлакатда ҳам бир хил эмас. “БМТ-Аёллар” ташкилоти маълумотларига кўра бугунги кунда дунё бўйлаб аёлларнинг 10,3 фоизи ўта қашшоқликда яшамоқда, миллионлаб нозик хилқат вакиллари эса илм олиш, меҳнат қилиш, эркаклар билан тенг миқдорда ойлик маош олиш имкониятидан маҳрум. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури ҳам шу муаммоларни камайтириш ва гендер тенгликка эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бугун 2030 йилга бориб БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича кутилаётган натижаларни таъминлаш учун бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш талаб этилмоқда. Гап шундаки, 2030 йилга бориб 342 миллион нафар аёл камбағаллик гирдобида қолиши мумкинлигини экспертлар башорат қилмоқда. Шу боис дунё мамлакатлари аёллар қашшоқлигини тугатиш ва гендер тенгликни таъминлашга ёрдам берадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётир.

➡ 2

«Бойсун баҳори»:

# УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР БАХШ ЭТГАН ФЕСТИВАЛЬ

*Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги хушманзара маскан — Бибиширин маҳалласи ҳудудида “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. Ушбу санъат анжуманига дунёнинг 20 га яқин давлатларидан 200 дан ортиқ санъат ва маданият арбоблари, халқ ижодиёти намояндалари, бадиий жамоалар ташриф буюрди.*

## Боқий қадриятлар

“Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали доирасида Термиз шаҳрида “Сурхон воҳасининг инсоният цивилизациясидаги ўрни: моддий ва номоддий маданият асослари” мавзуида илмий-амалий конференция, халқаро кўрик-танлов ўтказилди. Шунингдек, халқимизнинг кўп минг йиллик анъаналари, бебаҳо санъати, хусусан, халқ достонлари, миллий созлар ҳамда либослар, таомлар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмалари, дрон-шоулар, мушакбозлик, этноспорт беллашувлари, улоқ-кўпкари, кураш, тош кўтариш, арқон тортиш, хўроз уриштириш, варрак сайли каби турли халқ ўйинлари ташкил этилди.

2002 йилда асос солинган “Бойсун баҳори” фестивали бир йилдан сўнг яна бир марта ўтказилиб, сўнгра 2004 — 2016 йиллар оралиғида номаълум сабабларга кўра ўтказилмай қолган эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилда қайта тикланган ва уч марта бўлган фестиваль коронавирус пандемияси туфайли 2020-2021 йилларда қолдирилди. Ниҳоят, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2022 йилнинг 7-8 май кунлари ташкил қилинди. Шундан сўнг халқаро фестиваль бундан буён ЮНЕСКО шафелиги остида ҳар 2 йилда бир марта уюштирилиши белгиланди. Эътиборлиси, Туризм қўмитаси Бойсунга “Туризм тумани” мақомини берди.

➡ 4

# ҚИТЪА АЁЛЛАРИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА

← 1

Шу маънода, жорий йилнинг 13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида илк бор ташкил этилаётган Осиё хотин-қизлари форуми мазкур масалага доир илғор тажрибаларни оммалаштириш, муаммолар ечимига қаратилган муҳим қарорларни қабул қилишга хизмат қиладиган самарали мулоқот майдони вазифасини ўтайди, дейиш мумкин.

Бу форумни ўтказиш ташаббуси Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида минтақа мамлакатлари етакчи аёлларининг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг давлат ва жамият бошқаруви ҳамда иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш борасида тажриба алмашиш мақсадида илгари сурилган эди. Ушбу ташаббус БМТ ва Осиёнинг барча давлатлари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Бу бежиз эмас, албатта. "БМТ-Аёллар" тузилмаси охирги 5 йилда Ўзбекистоннинг гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги кўплаб ижобий натижаларини эътироф этиб, мамлакатимизнинг аёллар ва қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тажрибасини халқаро доирада ўрганиш жоизлигини таъкидлаган. Қолаверса, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш ва аёлларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш учун БМТнинг "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори" доирасида глобал даражада аёллар ва қизларни ҳимоя қилиш бўйича самарали чоралар кўриш, ўқув дастурлари ва ўқитиш услубларига, шунингдек, STEM-таълимига, айниқса, қишлоқ жойларда гендер ёндашувни жорий этишга жиддий эътибор қаратаётгани билан ҳам ажралиб туради.

Шунингдек, ҳудудларда БМТ Тараққиёт дастури лойиҳалари доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, қишлоқ аёллари учун рақамли саводхонлик ва IT кўникмаларини ошириш дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи рақамли тафовутни бартараф этиш борасида норматив-ҳуқуқий базани тартибга солиш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг шу йил Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қайд этилганидек, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Сайлов кодексида депутатликка номзодларнинг камида 40 фоизи ёки ҳар 5 тасидан 2 нафари аёл киши бўлиши зарурлиги белгиланган. Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга ошган.

> *Кейинги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баравар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар 205 минг нафардан ошди, 200 мингга яқин аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 400 мингдан кўпроғи иш билан таъминланди.*

Кейинги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баравар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар 205 минг нафардан ошди, 200 мингга яқин аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 400 мингдан кўпроғи иш билан таъминланди.

Ёшлар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам хотин-қизлар тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан шу мақсадга 100 млн. доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилади.

Гендер тенгликка эришиш, аёлларга қаратилган эътибор ва уларнинг ижтимоий ҳимояси борасидаги ишлар натижаларини халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этаётир. Хусусан, Жаҳон банкининг яқинда эълон қилинган индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторидан ўрин олди. Унда келтирилганидек, тенг қийматдаги иш учун аёлларга эркаклар билан тенг ҳақ тўлашни кафолатловчи низомлар қабул қилинди. Айрим соҳаларда аёллар меҳнатидан фойдаланишга қўйилган чекловлар ҳам бекор бўлди. Ушбу низомларни ўз ичига олган янги Меҳнат кодекси қабул қилинди. Бундан ташқари, аёлларни оиладаги зўравонликдан ҳимоялашга доир қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, ушбу турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада жадал давом эттириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган яқин ва узоқ муддатли истиқболли режалар белгилаб олингани ҳам эътиборлидир. Жумладан, турли соҳаларда меҳнат бозорига киришда гендер тенгсизликка тўлиқ барҳам бериш, жамиятда аёлларнинг ўрни ҳақида ижобий тасаввурни кенг шакллантириш ва уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш каби вазифалар кўзда тутилган.

Осиё хотин-қизлар форуми эса хотин-қизлар ҳаёти билан



боғлиқ шу каби кўплаб масалалар юзасидан қизғин муҳокамалар, таклиф ва тавсияларга бой бўлади, дея ишонамиз.

Самарқанд форумида Шарқий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари парламентларининг аёл аъзолари, ҳукуматлар раҳбарлари, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ишбилармон аёллар, сиёсатшунослар, ижтимоий соҳа фаоллари, олималар иштирок этиши кутилмоқда.

Форум 10 та параллель сессия доирасида ўтказилади.

Иштирокчилар хотин-қизларнинг фан, таълим ва инновацион фаолиятдаги иштироки ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиши, ҳозирги глобал иқтисодиётда аёллар иқтисодий имкониятини кенгайтириш орқали камбағалликни камайтириш, тадбиркорлик, етакчилик ва инновацияларга жалб этиш масалаларини муҳокама қилади. Бундан ташқари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда хотин-қизларнинг иштироки масаласи кўриб чиқилади. Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, бизнес ва жамиятда уларнинг иштирокини рағбатлантиришда парламентлар ўрни, гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш, молиявий имкониятлардан фойдаланишда гендер тафовутни бартараф этиш, хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклига барҳам бериш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, "яшил" иқтисодиётни тарғиб қилиш, иқлим ўзгаришининг минтақадаги гендер муаммоларга таъсири масаласида ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг илғор тажрибаси ва инновацион ёндашувлар кўриб чиқилади.

Бугунги кунда дунё иқтисодиётида энг катта улушга эга давлатлар айнан Осиё минтақасида жойлашган бўлиб, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бошқа кўплаб йўналишлардаги ютуқлар ушбу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Шу нуқтаи назардан, форум минтақа давлатлари етакчи аёлларининг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг давлат ва жамият бошқаруви ҳамда иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш борасида тажриба алмашиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, форумда БМТ аёллар ҳолати бўйича комиссиясининг 68-сессияси қарорларининг амалий ижроси, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, бизнес ва жамиятда уларнинг иштирокини рағбатлантиришда парламентларнинг ўрни ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда минтақадаги нодавлат ташкилотларнинг роли масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Ишонамизки, Осиё аёллар форуми бутун қитъа мамлакатлари учун хотин-қизларнинг давлат бошқаруви, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-академик ва маданий-гуманитар ҳаётидаги иштирокини янада оширишга доир устувор вазифаларни белгилаш ва уларни биргаликда амалга оширишда муҳим платформа вазифасини ўтайди.

**Манзура САЛИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Мушоҳада

# ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНМОҚДА

*Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига мислсиз кулфат ва балоларни келтирди. Миллионлаб одамлар ҳалок бўлди, иқтисодиёт издан чиқди, шаҳар ва қишлоқлар харобага айланди. Алалоқибат ана шундай катта йўқотишлар ҳисобига инсоният фашизм устидан ғалабага эришди. Шубҳасиз, бу ғалабада ўзбек халқининг ҳам ҳиссаси беқиёсдир. Аммо бу ҳақиқат шўролар даврида бир қадар бузиб талқин қилинди, яъни халқимизнинг Буюк ғалабага қўшган улуши атайин камайтириб кўрсатилди.*

Истиқлолга эришилгач бу борадаги ҳақиқат юзага чиқа бошлади. Эътибор қилинг, уруш арафасида юртимиз аҳолиси 6,5 миллион кишини ташкил этгани ҳолда шундан 1 миллион 951 минг нафари фронтга кетган. Бу — ҳар уч нафар ўзбекистонликнинг бири уруш майдонларида қатнашди, degани.

Уруш ортида меҳнат қилган юртдошларимиз салмоғи ва хизматлари эса янаям улкан. Халқимиз ғалаба йўлида молинию жонини аямади. Нонининг бир бўлагини ўзига олган бўлса, кўпроғини бевосита фронтга, республикага кўчириб келтирилганларга, жангчилар оилаларига ва ҳарбий госпиталларга, фашистлардан озод қилинган ҳудудларнинг оч-ночор аҳолисига жўнатди. Камига ўзбеклардан тузилган "ишчи батальон"лар Россия ва бошқа ҳудудларда фронт учун фидокорона тер тўкди.

Сирасини айтганда, халқимиз ғалаба йўлида борини берди. Хусусан, уруш давомида юртдошларимиз томонидан мудофаа жамғармасига 649,9 млн. сўм нақд пул, 4 млрд. 226 млн. сўмлик заём пули, 52,9 килограмм олтин ва кумуш берилди. Армияга 7,5 миллионта гимнастёрка, 2,6 миллиондан кўпроқ пахталик, 2,2 миллион жуфт этик ва қўнжли пойабзал юборилди.

Шу ўринда Сурхондарё вилояти аҳолисининг хизматларини ҳам алоҳида келтириб ўтмоқчимиз. 1942 йил кузида вилоят аҳолиси 5998 бош қорамол, 18 тонна асал, 28 тонна ёғ, 31 тонна қуруқ мева, 3000 литр вино юборди. Уларнинг фронт эҳтиёжлари учун 14 млн. сўм нақд пул, 330 тонна гўшт ва ёғ, 530 тонна буғдой, 180 тонна қуруқ мева, шунингдек, 33168 дона тери топширганлиги ҳам эътиборга молик.

Иккинчи жаҳон уруши халқимизга беқиёс талафот келтирди. Минглаб аёллар бева ва болалар етим бўлиб қолди. Ота-оналар фарзанд доғида қайғу-алам билан дунёдан кўз юмди. Уруш йилларидаги улкан харажатлар халқни шу даражада қашшоқлаштирдики, ҳозиргача ҳеч ким бунинг аниқ ҳисобини чиқариб беролгани йўқ.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, халқимизнинг беқиёс хизмати собиқ иттифоқ даврида етарли эътирофини топмади. Боз устига уруш асоратлари тўлиғича бартараф этилмади, уруш ногиронларининг қадр-қиммати ўрнига қўйилмади.

Мустақиллик йилларида, хусусан, янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита саъй-ҳаракати билан бу камчилик бартараф қилинди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат ва матонат, меҳр ва олийжаноблик сингари инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган халқимизнинг Буюк ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси билан боғлиқ муқаддас хотирани сақлаб қолиш борасида улкан ишлар рўёбга чиқарилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихни ўрганиш бобида мутлақо янги давр бошланди. Натижада бир қатор чигалликларга ойдинлик киритилди. Агар 2020 йилгача ўзбекистонликларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда қатнашган деб келинган бўлса, ўрганишларда бу рақам 1 миллион 951 минг экани аниқланди. Кўряпсизми, узоқ йиллар давомида 451 минг нафар юртдошимизнинг номи ва тақдири мавҳум бўлиб келган.

Яна бир мисол. Илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган дейиларди. Аслида эса бу рақам 538 мингдан кўп бўлиб, 158 мингдан зиёди бедарак кетган.

Шундай қилиб, бугун тарихий ҳақиқат тикланяпти. Халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонлиги ўзининг муносиб баҳосини олмоқда. Зотан, аждодларимиз бугунги омон-омон кунлар учун жон берган экан, уларнинг бу хизматларини эътироф этиш ва келгуси авлодларга ибрат сифатида тақдим қилиш биз учун шарафли вазифа, айни чоғда ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Арзиқул СОАТОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

← 1

## Ярашув институтини қўллаш доираси кенгайтирилади

Мажлисда "Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан ярашув институтига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доирасини кенгайтириш белгиланмоқда. Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги моддалар сонини 12 тадан 15 тагача кўпайтириш орқали ярашув тўғрисидаги институтни қўллаш доирасини кенгайтириш таклиф этилмоқда.

Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ жиноий қилмишни декриминализация қилиб, уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказиш, шунингдек, ушбу ҳуқуқий нормани янги квалификация белгилари билан тўлдиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинмайди

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, иш қидираётган шахсларнинг меҳнат органларига ортиқча ҳужжатлар тақдим этишининг олдини олиш, иш берувчининг бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда юбориш шартлари белгиланмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси қуйи палатанинг 30 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида концептуал жиҳатдан кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масъул қўмита томонидан ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшунослар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида бир қатор йиғилишлар, семинарлар ўтказилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари берилган ҳар бир таклиф ва тавсияларни атрофлича таҳлил қилиб, уларнинг аксариятини қонун лойиҳаси матнида акс эттирди. Хусусан, лойиҳанинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг муқаддима қисмига ва бир қатор моддаларига таҳририй тузатишлар киритилди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳаси аҳолига кўрсатилаётган бандлик хизматлари самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, иш берувчилар томонидан маҳаллий меҳнат органларига бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш жараёнини соддалаштиришга хизмат қилади.

Муҳокама давомида депутат Зафар Худойбердиев лойиҳанинг муҳимлигини эътироф этиб, уни пухта-пишиқ ҳолга келтириш лозимлигини таъкидлади. Амалдаги Қонуннинг 19-моддасида белгиланган субсидияларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги норма қонундан чиқариб юборилиб, ҳаволаки норма сифатида киритилаётгани нотўғри бўлишини билдирди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоларга ҳуқуқий ечим

Депутатлар фитосанитария талабълари енгиллаштирилишига қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда модда-модда муҳокама қилдилар.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунга фитосанитария маҳсулотларини импорт қилувчиларга енгиллик берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Амалдаги тартибга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни олиб киришга Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан берилган карантин рухсатномаси ҳамда экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси бўлган тақдирдагина рухсат берилади.

Ушбу ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда маҳсулотларнинг давлат чегарасида туриб қолиши, ортиқча харажатлар кўпайиши импортёр-тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда. Бу каби ҳолатлар фитосанитария маҳсулотларини олиб кириш талабларини янада соддалаштириш ва миллий қонунчиликни халқаро амалиётга мувофиқлаштиришни тақозо этаётир.

Шундан келиб чиқиб, мазкур Қонуннинг 29-моддасига тегишли ўзгартириш киритилмоқда. Яъни ўсимликлар карантини ва уларни ҳимоя қилиш бўйича давлат органларига эга бўлмаган ёки хорижий мамлакатларда фитосанитария сертификати (гувоҳномаси) талаб этилмайдиган, шунингдек, хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига фитосанитар хавфи паст бўлган карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга уларнинг ҳар бир туркумига алоҳида-алоҳида бериладиган карантин рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилиши белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Сув ресурсларини бошқаришни рақамлаштириш ишлари қониқарлими?

Мажлисда депутатлар томонидан ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроевнинг ахбороти эшитилди.

Вазир ахборотига кўра 2023 йилда 190 та ирригация ва мелиорация объектида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилган. Хусусан, мелиорация йўналишида 230,3 км. очиқ, 156,0 км. ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 6 та вертикаль дренаж қудуғи, 59 та гидротехник иншоот, 58 та кузатув қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилган.

Мажлисда вазирлик томонидан 2024 йилда 215 та объектда 1 880,0 млрд. сўмлик қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши белгилангани ва бу бўйича тизимли ишлар рўёбга чиқарилаётгани қайд этилди.

Мунозаралар давомида депутатлар



соҳада айрим камчиликлар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлигини қайд этиб, бир қатор саволларни ўртага ташлади. Хусусан, юртимизда иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаш бўйича қандай чоралар кўрилаётгани, йирик каналларни бетонлаштиришда бюджетдан ажратилаётган маблағларни назорат қилиш тизими қандай амалга оширилаётганига оид саволлар юзасидан вазир батафсил жавоб берди.

Мажлисда вазирнинг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

## Таъсирчан парламент назорати ўрнатилади

Мажлисда Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳкамовнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қулай ва хавфсиз транспорт орқали чет давлатларга етиб боришида шарт-шароитларни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Маълум қилинганидек, бугунги кунда хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни чет элга тартибли ва хавфсиз жўнатиш бўйича муайян ишлар қилиняпти. Жумладан, охирги икки йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 70 минг киши ривожланган давлатларга ишга юборилган.

Шунингдек, 28 та давлатнинг 300 га яқин иш берувчи ва рекрутинг агентликлари билан Ўзбекистондан ишчи кучини жалб қилиш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Бундан ташқари, Европа давлатлари билан ҳамкорликда 100 мингдан ортиқ иш ўринларига юртдошларимизни жалб қилиш бўйича 30 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, 24 та миллий ва хорижий ташувчилар томонидан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 37 та йўналиш бўйича 196 та автобус қатнови йўлга қўйилган. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида 2 та янги халқаро йўналиш фаолияти ташкил қилинди. Шу билан бирга, жорий йил давомида 10 та янги халқаро автобус йўналишлари очилиши режалаштирилган.

Ахборотда келтирилишича, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда авиация хизматларини кўрсатувчи 15 та резидент авиакомпания ташкил этилди. Халқаро йўналишларда Ўзбекистон авиаташувлар бозорида хизмат кўрсатувчи хорижий авиакомпаниялар сони 41 тага етди. Йиллик парвозлар сони 45 мингдан 85 мингга, йиллик авиайўловчи оқими 4,6 миллиондан 10,4 миллионга оширилди.

Депутатлар фуқароларнинг вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун кўп борадиган хорижий давлатлар ҳудудларига арзон ва қулай автобус ҳамда темир йўл қатновини кўпайтириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Шунингдек, ҳудудларда автотранспорт ташкилотлари ва автовокзалларни ташкил этиш ишларини жадаллаштириш ҳамда темир йўл соҳасига хусусий секторни жалб этишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан таъсирчан парламент назорати ўрнатиладиган бўлди.

## Ҳисоб палатаси фаолияти танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди

Депутатлар Ҳисоб палатасининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳам кўриб чиқди.

Мажлисда Ҳисоб палатаси раиси Адиз Бобоев маъруза қилди. Ҳисоботда 2023 йилда Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг ижроси, белгиланган режа асосида тегишли вазирлик ва идораларда ўтказилган назорат ҳамда риск-таҳлил тадбирлари натижалари тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Ахборотда келтирилишича, онлайн ва вертикаль назоратни кучайтириш мақсадида Ҳисоб палатасида "Масофавий назорат" маркази ташкил этилган. Мазкур марказга вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари интеграция қилиниб, 36 та йўналишдаги риск модуллари орқали қонунбузилиш рисклари онлайн таҳлил қилиниши ва уларнинг профилактикаси олиб борилиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, барча давлат молиявий назорати тадбирларини рўйхатга олиш ва уларнинг натижаларини умумлаштиришга мўлжалланган "Давлат аудити" дастурий ахборот комплекси орқали вазирлик ва идораларнинг ички аудит тизимини мувофиқлаштириб бориш жорий этилган.

Таъкидланганидек, назорат тадбирлари ва таҳлиллар натижасида ортиқча харажатларнинг олди олинган, бюджет харажатлари мақбуллаштирилиб, бошқа долзарб масалаларни молиялаштириш учун қайта йўналтирилган.

Мажлисда депутатлар томонидан Ҳисоб палатасининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олинган айрим ер участкалари ва кўчмас мулклар бўйича тўланмай қолган компенсация тўловларини амалга ошириш ҳамда қарздорликларни узиш, ижтимоий соҳада аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бартараф этиш, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли маблағлар ҳисобига ипотека кредитлари берилишида адолат ва шаффофликни таъминлаш бўйича доимий назорат олиб бориш таклиф этилди.

Халқ вакиллари, шунингдек, қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш ва "Яшил макон" умуммиллий лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича бюджет маблағларининг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан тизимли назорат олиб борилишига оид таклифларни билдирди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Пойтахтимизда Марказий Осиё халқаро стоматологик кўргазмаси ва унинг доирасида «Рақамли стоматология» илмий-амалий форуми ўтказилмоқда.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ҲОКИМЛИКЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАРИ, БАНКЛАР,
БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

2023/2024 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ишга тақсимлаш жараёни бошланганини хабар қилади. 2024 йил 30 май куни ўтказиладиган «Карьера куни» меҳнат ярмаркаси тадбирига таклиф этамиз.

Шу муносабат билан битирувчи ёш мутахассисларга сиз раҳбарлик қилаётган корхона, ташкилот ва муассасада эҳтиёж мавжуд бўлса, талабнома ва сўров хати билан ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар билан мурожаат қилишингизни сўраймиз. Университетни тугатаётган малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни қуйидаги жадвалда эътиборингизга ҳавола этамиз.

## БАКАЛАВРИАТ

| | Коди | Йўналишлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | | | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Сирдарё вилояти | | Тошкент вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Тошкент шаҳри | | Бошқа давлатлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | | | 5 | | 6 | | 7 | | 8 | | 9 | | 10 | | 11 | | 12 | | 13 | | 14 | | 15 | | 16 | | 17 | | 18 | | 19 | |
| | | | жами | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | | |
| 1 | 5111000 | Профессионал таълим (йўналишлар бўйича) | 25 | 5 | 20 | 1 | 4 | 1 | 1 | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | | 4 | | 2 | | 3 | 1 | 2 | | | | 2 | 1 | | | |
| 2 | 5150900 | Дизайн (турлари бўйича) | 53 | 13 | 40 | | | | | 2 | | | | 1 | | | | | | | | | 1 | 2 | 5 | | | | | | 6 | 8 | 28 | | |
| 3 | 5230100 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 28 | 7 | 21 | | | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | 2 | 4 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 5 | | 2 | | | | 1 | 1 | 5 | | |
| 4 | 5230200 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 37 | 12 | 25 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 2 | | 2 | | | 1 | | | 1 | | | | | | 5 | 1 | 3 | | | | | 7 | 11 | | |
| 5 | 5231900 | Корпоратив бошқарув | 60 | 16 | 44 | | 1 | 1 | | | | | | 2 | 4 | 1 | | 1 | 2 | 1 | | | 2 | 4 | 10 | | 3 | 1 | 1 | | 2 | 5 | 19 | | |
| 6 | 5310100 | Энергетика (тармоқлар бўйича) | 182 | 29 | 153 | 2 | 11 | 3 | 1 | 2 | 12 | | 2 | 4 | 10 | 3 | 5 | 2 | 12 | 2 | 7 | | 4 | | 23 | | 5 | 2 | 6 | 4 | 28 | 5 | 27 | | |
| 7 | 5310200 | Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича) | 206 | 27 | 179 | 1 | 7 | 1 | 6 | 5 | 10 | | 9 | 4 | 16 | | 5 | | 10 | | 17 | 1 | 3 | | 27 | 2 | 7 | 2 | 3 | 9 | 41 | 2 | 18 | | |
| 8 | 5310300 | Металлургия | 100 | 9 | 91 | | | 1 | | | 4 | | 6 | 5 | 20 | | 3 | | 9 | | 2 | | 5 | 1 | 30 | | 2 | | 2 | | 1 | 2 | 7 | | |
| 9 | 5310500 | Автомобилсозлик ва тракторсозлик | 73 | 11 | 62 | | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | | 4 | | 4 | | 4 | 1 | 6 | | 4 | 2 | 2 | | 5 | | 4 | 3 | 7 | | 12 | 3 | 5 | | |
| 10 | 5310600 | Транспорт воситалари муҳандислиги (турлари бўйича) | 149 | 22 | 127 | 2 | 7 | 1 | 1 | 1 | 7 | | 5 | | 10 | 1 | 2 | 1 | 11 | | 17 | 2 | 2 | 3 | 18 | 4 | 9 | 2 | 3 | 2 | 20 | 3 | 15 | | |
| 11 | 5310700 | Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича) | 126 | 25 | 101 | 2 | 3 | | 3 | 4 | 7 | 2 | 5 | 10 | 19 | | 1 | 1 | 5 | | 5 | | 3 | 1 | 16 | 1 | 6 | 2 | 5 | 2 | 19 | | 4 | | |
| 12 | 5310800 | Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича) | 110 | 22 | 88 | | 8 | | 4 | 1 | 5 | 1 | 5 | 1 | 9 | 1 | 2 | 1 | 8 | | 3 | 2 | 3 | 5 | 10 | | 3 | 1 | 1 | 5 | 18 | 4 | 9 | | |
| 13 | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) | 78 | 13 | 65 | 1 | 4 | 1 | | 2 | 8 | 1 | 2 | 1 | 4 | | 3 | | 3 | | 2 | | 1 | 2 | 12 | | 3 | | 2 | 1 | | 4 | 21 | | |
| 14 | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) | 119 | 22 | 97 | | 3 | 1 | 6 | 2 | 8 | | 5 | 3 | 4 | | 1 | | 6 | 1 | 6 | | 3 | 2 | 12 | | 1 | | 2 | 9 | 29 | 4 | 11 | | |
| 15 | 5311100 | Гидроэнергетика | 35 | 4 | 31 | | 2 | | | | 3 | 1 | 1 | | 2 | 1 | | | 3 | | 4 | | 1 | 2 | 9 | | | | | | 2 | | 4 | | |
| 16 | 5311500 | Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича) | 70 | 13 | 57 | | 3 | | 1 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 3 | | 7 | 1 | 2 | 4 | 21 | | 2 | | 2 | | 4 | 4 | 8 | | |
| 17 | 5311600 | Кончилик иши (фаолият турлари бўйича) | 99 | 29 | 70 | | | 1 | | 4 | 5 | 1 | 2 | 5 | 11 | 2 | 8 | 4 | 13 | 5 | 10 | | | 4 | 17 | 1 | 1 | | | 1 | 2 | 1 | 1 | | |
| 18 | 5311700 | Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича) | 184 | 30 | 154 | 3 | 8 | 2 | 3 | 3 | 19 | 1 | 5 | 3 | 15 | | 6 | 4 | 21 | 3 | 7 | | 1 | 1 | 16 | 4 | 8 | | 5 | 4 | 32 | 2 | 8 | | |
| 19 | 5311800 | Гидрогеология ва муҳандислик геологияси | 92 | 15 | 77 | 2 | 6 | | 2 | 3 | 4 | | 4 | 4 | 8 | | 1 | | 3 | 2 | 5 | | 4 | | 15 | | 2 | 1 | 3 | 2 | 9 | 1 | 11 | | |
| 20 | 5311900 | Нефть ва газ иши (фаолият турлари бўйича) | 154 | 34 | 120 | 8 | 13 | 3 | 9 | 3 | 13 | 1 | 1 | 1 | 6 | 1 | 4 | | 10 | 3 | 11 | 2 | 2 | 1 | 5 | 3 | 5 | 3 | 7 | 3 | 18 | 2 | 16 | | |
| 21 | 5340200 | Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича) | 40 | 7 | 33 | | | | 1 | | 4 | 1 | 3 | | 1 | | 1 | | 2 | | 4 | | | 1 | 2 | 3 | 2 | | 2 | | 4 | 2 | 7 | | |
| 22 | 5312100 | Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит | 48 | 9 | 39 | | 1 | | 2 | 1 | 2 | 1 | 3 | | 4 | | | 1 | 1 | | | 1 | | 2 | 9 | | 1 | 1 | | | 1 | 2 | 15 | | |
| 23 | 5312200 | Кончилик электр механикаси | 37 | 8 | 29 | 1 | | 1 | | | 6 | 1 | | 1 | 3 | | 2 | 1 | 4 | 1 | 1 | | | 2 | 9 | | | | | | 2 | | 2 | | |
| 24 | 5312300 | Маркшейдерлик иши | 47 | 10 | 37 | | | | | | 2 | 1 | 1 | 3 | 2 | 2 | 4 | | 3 | | 2 | | 2 | 4 | 14 | | | | | | 3 | | 4 | | |
| 25 | 5312400 | Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) | 52 | 12 | 40 | | 1 | | 2 | 1 | 2 | | 3 | | 6 | 1 | 2 | | 2 | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 2 | | 1 | 2 | 2 | 8 | 1 | 4 | | |
| 26 | 5312500 | Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича) | 37 | 7 | 30 | 2 | 4 | | | | | | | 1 | 2 | | | 1 | 2 | | 2 | | | 2 | 10 | | 2 | | 1 | | 1 | 1 | 6 | | |
| 27 | 5312600 | Мехатроника ва робототехника | 40 | 8 | 32 | | | | 3 | 1 | | | 2 | 1 | | 1 | 2 | | 2 | | 2 | | | 1 | 3 | 1 | 2 | | 1 | | 5 | 3 | 10 | | |
| 28 | 5312700 | Интеллектуал муҳандислик тизимлари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 27 | 3 | 24 | | 3 | | | 1 | 1 | | 1 | 2 | 2 | | | | | | 2 | | | | 3 | | 1 | | 1 | | 5 | | 5 | | |
| 29 | 5312900 | Лазер-ёруғлик технологиялари ва оптоэлектроника | 68 | 19 | 49 | | 3 | 2 | 2 | 2 | 4 | | | 3 | 5 | | 1 | | 4 | | 2 | | 3 | 4 | 10 | | 2 | 3 | 1 | 3 | 5 | 2 | 7 | | |
| 30 | 5313000 | Биотиббиёт муҳандислиги | 46 | 9 | 37 | | 1 | | | 2 | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | 4 | 1 | 1 | 2 | 9 | 1 | 4 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 12 | | |
| 31 | 5313700 | Газ жиҳозларига хизмат кўрсатиш ва эксплуатацияси | 47 | 9 | 38 | 2 | 4 | 1 | | | 1 | 1 | 2 | | 2 | 1 | | | 1 | | 1 | | | 2 | 9 | | | | 4 | 1 | 4 | 1 | 10 | | |
| 32 | 5314800 | Пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари | 59 | 18 | 41 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | 4 | 1 | | 1 | | | 1 | | 2 | 2 | 16 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 2 | 5 | 11 | | |
| 33 | 5320100 | Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича) | 67 | 21 | 46 | 3 | 1 | | 4 | 1 | | 1 | 3 | 3 | 2 | | | | 1 | | 1 | 5 | 3 | 4 | 10 | | 2 | 1 | 3 | 1 | 6 | 2 | 10 | | |
| 34 | 5320200 | Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш | 117 | 24 | 93 | | 1 | 2 | 2 | 1 | 7 | 3 | 4 | 4 | 7 | | 4 | 1 | 8 | 1 | 5 | 1 | 3 | 3 | 13 | 4 | 10 | 2 | 5 | 2 | 7 | | 17 | | |
| 35 | 5320300 | Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) | 262 | 58 | 204 | 3 | 5 | 2 | 8 | 4 | 14 | 2 | 6 | 10 | 12 | 3 | 5 | 5 | 18 | 2 | 10 | | 5 | 4 | 25 | 1 | 16 | 5 | 5 | 11 | 39 | 6 | 36 | | |
| 36 | 5320500 | Биотехнология (тармоқлар бўйича) | 54 | 11 | 43 | | | | 1 | 1 | 1 | | | | 2 | | 1 | | 2 | | 2 | 1 | 1 | 2 | 11 | 1 | 2 | 1 | | 2 | 1 | 3 | 19 | | |
| 37 | 5321400 | Нефть-газ-кимё саноати технологияси | 54 | 11 | 43 | 3 | 2 | 1 | 1 | | 4 | | 3 | | 2 | 1 | 1 | | 4 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 10 | | | | 1 | 2 | 8 | 1 | 6 | | |
| 38 | 5321900 | Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси | 62 | 13 | 49 | | 2 | | 1 | 1 | | | 4 | 2 | 5 | | | 3 | 2 | | 4 | | | 4 | 10 | | 2 | | | 3 | 13 | | 6 | | |
| 39 | 5322100 | Металлар технологиялари (жараён турлари бўйича) | 113 | 20 | 93 | | 5 | | | | 3 | 1 | 2 | 6 | 10 | | 2 | 1 | 5 | 2 | 8 | 1 | 3 | 5 | 22 | | 3 | 1 | | 2 | 7 | 1 | 23 | | |
| 40 | 5330200 | Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 62 | 21 | 41 | | | | 1 | 3 | 1 | | 2 | 2 | 1 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 | | 7 | 8 | 1 | 1 | 2 | 1 | | 3 | 3 | 18 | | |
| 41 | 5350700 | Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича) | 42 | 10 | 32 | 1 | 2 | | | 1 | 2 | 1 | | | 1 | | 3 | | 1 | | 1 | | | 3 | 4 | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 16 | | |
| 42 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 47 | 8 | 39 | | 1 | | 1 | | | | | 2 | 3 | | | | | | 4 | | 1 | 1 | 7 | | 2 | 1 | 3 | | 3 | 4 | 14 | | |
| 43 | 5640100 | Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 51 | 11 | 40 | | | 1 | 1 | 1 | | | 3 | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | 8 | | 2 | 1 | 2 | 1 | 10 | | 3 | | | | 2 | 2 | 7 | | |
| 44 | 5640200 | Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (тармоқлар бўйича) | 41 | 12 | 29 | 1 | | 1 | 2 | | 1 | | | | | | 2 | 2 | 1 | 2 | 2 | | | 1 | 11 | | 1 | 2 | | 3 | 4 | | 5 | | |
| | | **Жами** | **3500** | **697** | **2803** | **40** | **119** | **30** | **74** | **57** | **166** | **23** | **104** | **90** | **222** | **25** | **78** | **36** | **203** | **28** | **174** | **26** | **71** | **93** | **505** | **32** | **125** | **39** | **81** | **76** | **383** | **102** | **498** | **0** | **0** |

## МАГИСТРАТУРА

| | Коди | Мутахассисликлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | | | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Сирдарё вилояти | | Тошкент вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Тошкент шаҳри | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | | | 5 | | 6 | | 7 | | 8 | | 9 | | 10 | | 11 | | 12 | | 13 | | 14 | | 15 | | 16 | | 17 | | 18 | |
| | | | жами | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| 1 | 70610701 | Сунъий интеллект | 2 | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 2 | 70710201 | Биотехнология (маҳсулот тури бўйича) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 3 | 70710501 | Гидроэлектрстанциялар | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4 | 70710504 | Иссиқлик техникаси (қўлланиш объекти бўйича) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | |
| 5 | 70710506 | Ядро энергетикаси ва иссиқлик физикаси | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 6 | 70710601 | Электр таъминоти (тармоқлар бўйича) | 4 | 4 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | |
| 7 | 70710603 | Электр энергетикаси тизимлари ва тармоқлари (фаолият турлари бўйича) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 8 | 70710701 | Электр механикаси (тармоқлар бўйича) | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | |
| 9 | 70710702 | Электр изоляцияли ва кабелли техника | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | |
| 10 | 70710901 | Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит (тармоқлар бўйича) | 5 | 5 | | | | | | | | | | 2 | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 11 | 70711001 | Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) | 4 | 3 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | |
| 12 | 70711101 | Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича) | 2 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 |
| 13 | 70711302 | Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича) | 4 | 4 | | 1 | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 14 | 70711401 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) | 3 | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | |
| 15 | 70711501 | Мехатроника ва робототехника | 6 | 6 | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 16 | 70712001 | Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси ва электроника саноати технологик машина жиҳозлари | 1 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 17 | 70712401 | Автомобилсозлик ва тракторсозлик | 3 | 2 | 1 | | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 18 | 70712501 | Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (транспорт турлари бўйича) | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | |
| 19 | 70720708 | Нефть-газ саноати машиналари ва жиҳозлари | 2 | 2 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 20 | 70720901 | Кимёвий ва нефть-газ-кимёвий технологиялар | 2 | 2 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 21 | 70721801 | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 22 | 70730302 | Нефть ва газ қувурлари, база ва омборларини қуриш ва улардан фойдаланиш | 5 | 4 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 2 | 1 |
| | | **Жами** | **55** | **49** | **6** | **2** | | **7** | | | **1** | **1** | | **7** | | **4** | | **1** | | **4** | | **1** | **1** | **2** | | **2** | | | **1** | **3** | **1** | **15** | **2** |

**Изоҳ: Г — грант асосида, Ш — шартнома асосида.**

**Сиз ўзингизни қизиқтирган ёш мутахассислар билан бевосита учрашиб, суҳбатлашиб, уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган барча маълумотларга эга бўласиз.**

**Таклифлар билан қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин: 71-207-14-35.**

**Шу йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон аэропортлари 3 130 386 нафар йўловчига хизмат кўрсатган.**

Таълим ва тараққиёт

# Муштарак мақсадлар йўлида

*Ўзбек ва тожик халқларини умумий тарих, бир дин, узвий маънавий қадриятлар ўзаро боғлаб туради. Азалдан бир дарёдан сув ичиб, қуда-анда бўлиб, қон-қариндошлик ришталари билан яшаб келган миллатларимиз икки тилда гаплашувчи бир халқ, деб эътироф этилиши шундан.*

Азалий қўшнилик, қардошлик ва ўзаро ҳурмат анъаналари бугун ҳам Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 18-19 апрель кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи давомида бу яна бир бор яққол намоён бўлди.

Ғоят самарали кечган ташриф давомида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг деярли барча йўналишини қамраб олувчи 28 та ҳужжат имзоланди. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги, шунингдек, Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битимлар шулар жумласидан.

Ушбу олий даражали ташриф муносабати билан мамлакатимизда Ўзбекистон ва Тожикистон олий таълим муассасалари ректорларининг форуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатлар ўртасидаги бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик шаклларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Биргаликда таълим хизматлари соҳасини ривожлантириш, фан, ўқув-услубий ишлар, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги амалий чора-тадбирларни кенгайтириш, ёшларни миллий ва жаҳон илм-фани, маданияти ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир доирасида олий таълим муассасалари ректорлари Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Тожикистонлик ҳамкасбларимиз Самарқанд давлат тиббиёт университетида бўлди. Таълим масканимизда ўқитувчи ва талабаларга яратилган шарт-шароитлар, ўқув жараёнлари билан танишди. Учрашувда Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети ректори, профессор Гулзода Маҳмадшоҳ Қурбоналига Самарқанд давлат тиббиёт университети фахрий профессори унвони берилди.

> Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда университетларимиз ўртасида ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, олийгоҳимизга академик ва илмий ҳаракатчанлик доирасида ҳар йили Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университетининг ёш олимлари, ўқитувчи ва етакчи мутахассислари, талабалари ташриф буюриши режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу университетнинг профессор-ўқитувчи ҳамда талабалари юртимизда ўтадиган олимпиада ва анжуманлар, вебинару симпозиумларда ҳам мунтазам қатнашади. Ўзаро ҳамкорликда ўқув ва илмий адабиётлар нашр этилади, ҳар йили 50 дан ортиқ қўшма илмий лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Ҳар икки университетда ишлаб чиқилган алоҳида стратегияга мувофиқ, биринчи навбатда, узлуксиз олий тиббий таълим тизимининг барча босқичини ислоҳ қилишга қаратилган, ривожланаётган жамият эҳтиёжларини қондирадиган узлуксиз тиббий таълим тизимининг изчиллиги ва мослашувчанлигини таъминлашга урғу берилмоқда. Жумладан, форум доирасидаги ўзаро англашув меморандумига мувофиқ, олийгоҳларда тиббиёт кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, биргаликда илмий тадқиқот лойиҳаларини рўёбга чиқариш ва илмий мақолалар чоп этиш, долзарб мавзуларда қўшма форум ва давра суҳбатлари ўтказиш бўйича ҳамкорликнинг асосий йўналишларига эътибор қаратилади.

Университетларимизнинг ҳамкорликда ривожланиш истиқболлари янада кенг. Чунки Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликнинг равнақи бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини яратмоқда. Олийгоҳларимиз томонидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"да амалий тиббиёт, қўшма операциялар, органлар трансплантацияси, саломатликни баҳолаш ва тиклашда билим, кўникма ҳамда амалий кўникмалардан фойдаланишга асосланган халқ табобатини ривожлантириш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланган.

Дарҳақиқат, университетларимиз ҳамкорликда соғлиқни сақлаш бўйича таълим тизими сифатини янада ошириши, малакали кадрларни тайёрлаши ҳамда бир-бирини қўллаб-қувватлаши — бугунги кун талаби. Бинобарин, тарихи, орзу-мақсадлари муштарак халқларимизнинг ҳаётдан рози яшаши, фаровонлиги, бахту саодати тўкислиги соғлиқни сақлаш тизимининг нечоғли тараққий этгани, соҳа мутахассисларининг билим ва салоҳияти юксаклигига ҳам бевосита боғлиқ.

**Жасур РИЗАЕВ,**
**Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

---

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси собиқ телешарҳловчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

**Абдурауф ҚОРЖОВОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ҳамда меҳнат жамоаси институтнинг Илғор технологиялар ва стратегик ташаббуслар маркази директори Шерзод Аширбоевга отаси

**Парда АШИРБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

# Садоқат ва матонат тимсоли

*Тарих силсиласида биз гувоҳи бўлаётган кўплаб воқеа-ҳодисалар орасида она Ватанга фидокорона хизмат қилган инсонлар ҳақидаги ҳикоялар алоҳида ўрин тутади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, фидойи педагог Бексейит ота Боймирзаевнинг ҳаёт йўлини жасорат ва фидокорона меҳнат қиссаси, ёш авлодни илҳомлантирувчи ва халқ хизматида бўлиш қанчалик саодат эканини эслатувчи ибрат намунаси, дейиш мумкин.*



Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида оддий деҳқон оиласида 1924 йил 10 май куни дунёга келган Бексейитнинг болалиги оғир кунларда ўтди, лекин у ўзининг ҳаётий тамойилини айнан шу синовларда топлади. Ёшлигидаёқ эл-юртга хизмат қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш мажбуриятини ҳис этиб вояга етди.

Болалик даври — оғир очарчилик йилларидан эсон-омон ўтиб, ўн ёшида мактаб остонасини ҳатлаб, биринчи синфга борди. 1941 йилда илмга ташна ўсмир қишлоқ мактабининг 7-синфини тугатиб, Тошкентдаги педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1942 йилнинг кузида фронтга кетди.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида у 2-Украина фронти таркибида жанг қилади ва ғалабани Прагада нишонлайди. Кейин уни тақдир сўқмоқлари Шарққа етаклайди ва япон империалистлари билан кечган урушда қатнашади. Асосий жанглар Узоқ Шарқ минтақаларининг, яъни Японияниинг асосий қуруқликдаги кучлари бўлмиш Квантун армияси жойлашган ҳудудларда кечади. Ниҳоят мазкур армиянинг мағлубияти Японияниинг сўзсиз таслим бўлишига олиб келади. Бексейит отанинг жасорати, Ватанга садоқати жанг ва синовларда кўп марта намоён бўлиб, у қатор орден ва медаллар билан тақдирланади. Ва 1947 йилгача сержант унвони билан армия сафида қолади.

Она заминга қайтгач, тумандаги 24-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида ишлай бошлайди. Бексейит ота ёш авлодга таълим-тарбия бериш баробарида уруш туфайли узилиб қолган педагогика билим юртидаги ўқишини давом эттириб, уни муваффақиятли тамомлайди. Орадан бир неча йил ўтиб, ўша вақтдаги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини сиртдан тамомлаб, олий маълумотли мутахассис бўлиб етишади. Йиллар давомида у ўқитувчиликдан мактаб директорлигигача бўлган йўлни босиб ўтади.

Бексейит ота муҳим ютуқларидан бири деб, ўзи истиқомат қилаётган қишлоғида 1972 йилда фойдаланишга топширилган янги мактаб биносини билади. Бу ҳудудда таълим ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, ўқувчиларга яхши билим олиш учун шароитлар яратиб берди. Натижада мактаб битирувчилари орасида турли касб-ҳунарларни эгаллаган олий маълумотли мутахассислар сафи кенгайди.

Тажрибали ўқитувчи, ташаббускор раҳбар, халқ таълими аълочиси Бексейит отанинг маориф тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда эришган ютуқлари юксак мукофотларга лойиқ топилган.

— Бексейит отанинг фаолияти фақат таълим билан чегараланиб қолмади, — дейди республика Қозоқ миллий маданий маркази вилоят бўлими раҳбари Дамир Қалдибоев. — Ҳозир ҳам ўз ҳудудидаги аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. У ҳамиша аҳоли турмуш тарзини яхшилашга интилиб келади, муҳтожларга ёрдам беришга доимо тайёр.

Отахон турмуш ўртоғи Гулайим опа билан тўрт нафар фарзандни вояга етказди, уларнинг барчаси олий маълумотли, оиласи бадастир. Катта ўғли Қуралбек нефть ва газ саноати мутахассиси, қизлари Гулнора ва Қарлиғаш, кенжа ўғли Сиримбек ота изидан бориб, педагоглик касбини танлади. Набираси Дилбар эса кўплаб гўзал ва шинам биноларнинг муаллифи ва меъморидир.

— Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари доимо ҳурмат ҳамда эъзозда, — дейди Бексейит ота мамнуният билан. — Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Президентимиз Фармони билан биз каби уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнаткашлари моддий рағбатлантирилади. Бундай юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик учун миннатдорман. Давлатимиз раҳбари ва яқин инсонларимнинг қўллаб-қувватлаши мен учун катта аҳамиятга эга. Яхши сўзлар ҳамда илиқ тилаклар қалбимни қувонч ва бахтга тўлдирмоқда.

Мана шундай қутлуғ айём кунлари Бексейит ота оиласида ўзгача шодиёна, катта тантана. Уруш ва меҳнат фахрийси Бексейит отани қутлуғ 100 ёшга тўлиши муносабати билан фарзандлари, набиралари, шогирдлари, қариндошу маҳалладошлари, туман ва вилоят раҳбарияти мутасаддилари, республика Қозоқ миллий маданият маркази вакиллари табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва файзу барака тиламоқда. Уларнинг ҳар бирининг дилида шундай тилак мужассам: "Она Ватанимизни ҳимоя қилишда кўрсатган жасоратингиз учун ташаккур. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни қалбингизни фахр ҳамда ифтихорга тўлдирсин, сиз каби ватандошларимизнинг уруш йиллари кўрсатган қаҳрамонлигингиз ҳамиша қалбимиз тўрида бўлади. Сизнинг садоқатингиз ва матонатингиз ёш авлодни буюк ишларга илҳомлантиради. Байрамингиз муборак бўлсин!"

**Нурлан УСМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «Бу кунларнинг қадрига етиш, тинчликни асраш керак»

*Олтиариқ тумани "Оқбўйра" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тўланбой ота Шокиров Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 79 йиллигини табаррук 100 ёшида кутиб олмоқда.*



Айни навқирон ёшида фронтга отланган қаҳрамонимиз фашизмга қарши олиб борилган жанглардан сўнг япон урушида ҳам иштирок этди. Урушдан кейин ички ишлар идоралари сафида хизмат қилди.

Тўланбой отани олтиариқликлар эркалатиб "Катюша тоға" дея чақиришади. Сабаби уруш йилларининг машҳур ушбу қўшиғи янграб бошласа, у жанггоҳларда, қақшатқич ўқлар ёмғири остида кечган йиллар, сафдошларини эслаб, хурсандчилик ва алам қоришиқ рақсдан ўзини тўхтатолмай қолади...

Урушда қатнашган минглаб олтиариқликлардан бугунги кунда биргина Тўланбой ота Шокиров қолди. Файзли хонадон соҳиби йўқлаб келувчиларга унутилмас хотираларини сўзлаб беради. Ўзбек ўғлонларининг жасоратини хотирлаб, уларни дуо қилади. Барча халқларга тинчлик ва меҳр-оқибат тилайди.

— Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонини эшитиб, кўзимга ёш келди, — дейди отахон. — Ахир бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шундай дориламон замонга етказганига шукр, бу кунларнинг қадрига етиш керак.

Бугун биз уруш фахрийларига юксак эҳтиром кўрсатаётган Юртбошимизга, ҳукуматимизга, халқимизга раҳмат. Ҳар йили пул мукофотлари беріляпти, бу йил ҳам 20 миллион сўмдан берилар экан. Бундай эътибор ва рағбатдан беҳад мамнунмиз.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

## «Бойсун баҳори»:

# УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР БАХШ ЭТГАН ФЕСТИВАЛЬ



1 Бу йил ташкил этилган фестиваль тамомила янги шукуҳ ва янгича услубда, юксак бадиий савияда ўтказилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётган халқаро фестивални янги Ўзбекистон тараққиётига мос янада жозибадор, юксак савияда уюштириш учун пухта ҳозирлик кўрилди. Қисқа вақтда ҳудудда йирик ободонлаштириш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Шу мақсадда сўлим тоғлар қўйнидаги Бибиширин маҳалласида замонавий туристик маскан барпо этилди. Бу ерда беш қаватли — тўрт юлдузли муҳташам меҳмонхона, йирик саҳна, амфитеатр, вилоятлар қўрғонлари учун жой, этноспорт майдончалари ва бошқа инфратузилма иншоотлари қад ростлади. Ўтовлар ўрнатилиб Термиз шаҳри, туманлар ва вилоят, ташкилот, муассасаларининг қўрғонлари ташкил этилди.

"Бойсун баҳори"нинг бу йилги анжуманида иштирокчи мамлакатлар жуғрофияси кенгайиб, уларнинг сони ортганини кўриш мумкин. Халқаро фестивалда ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ, Европа Иттифоқи сингари нуфузли халқаро ташкилотлар, Буюк Британия, Таиланд, Япония каби мамлакатлардан фахрий меҳмонлар, шунингдек, Бельгия, Исроил, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Руминия, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Қозоғистон, Тожикистон каби 20 га яқин давлатлардан ноёб истеъдод соҳиблари, машҳур ижодий гуруҳлар, юздан зиёд хорижлик сайёҳлар ташриф буюргани ўтган қисқа даврда фестивалнинг довруғи бутун дунёга тараннум этилиб, унинг обрў-эътибори ва нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

"Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивалининг тантанали очилиш маросими юксак савияда ташкил этилгани санъат анжуманини мазмунан янада бойитди.

Тадбирда нутқ сўзлаган Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов мамлакатимизда кейинги йилларда бой моддий ва номоддий маданий меросимизни янада чуқур ўрганиб, ёш авлод қалбига сингдиришга, ёшларни теран илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида улғайтиришга эътибор кучайганини алоҳида қайд этди.

— Ҳурматли Президентимиз ғояси билан фольклор санъатимиз ва миллий халқ ўйинларимизга, ўтмишдаги бой тарихимизга барчани ягона улуғ мақсад йўлида бирлаштирадиган миллий қадрият сифатида қарамоқдамиз, — дея таъкидлади У. Қосимов.



Маросимда таниқли санъаткорлар ҳамда фольклор жамоалар иштирокида катта концерт дастури намойиш қилинди.

Фестивалнинг халқаро кўрик-танлови фольклор ҳамда миллий халқ ўйинлари ва томоша санъати йўналишларида ташкил этилди. Танловда мамлакатимиздаги 14 та фольклор халқ ансамбли ҳамда хорижлик санъаткорлар ўз ижодий дастурлари билан қатнашди. Уларнинг чиқишлари халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Унга кўра, "Бойсун" фольклор-этнографик жамоаси (Сурхондарё вилояти) биринчи ўринни эгаллади. "Жондор" (Бухоро вилояти) ва "Чавқи" (Самарқанд вилояти) фольклор-этнографик жамоалари иккинчи, "Хоразм" (Хоразм вилояти), "Қозоғистон" (Қозоғистон Республикаси) ҳамда "Япон марвариди" (Япония) фольклор-этнографик жамоалари учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Шунингдек, беш номинация бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирландилар.

— Ушбу фестивалда илгари ҳам иштирок этганман, — дейди Буюк Британиядан ташриф буюрган Файбрижаҳ Кианижат. — Очиғи, бундай манзарани учратмагандим. Ҳайратдаман. Икки йилда шунча ўзгариш. Ақлга сиғмайдиган ҳодиса. Мўъжиза юз бергандек, гўё. Жуда хурсандман, айниқса, саҳнада ажойиб созандалар билан куй-қўшиқ ижро этиш мен учун яхшигина тажриба бўлди. Юксак дид билан ташкил этилгани "Бойсун баҳори"нинг қамровини янада орттиради, дунёга машҳур қилади. Фестиваль ҳам, ундаги чиқишлар, намойишлар, куй-қўшиқ ва рақслар ҳам ноёб. Жаҳонда бундай фестиваллар жуда кам ва битта тилагим мана шу қадриятлар тараннум этилаётган халқаро фестиваль жуда узоқ яшасин.

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари тоғлар бағрида жойлашган сўлим Бойсуннинг тоза, мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олиб, бой табиат манзараларидан, шифобахш гиёҳлари, инсон танига ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган зилол сувларидан баҳраманд бўлди.

Дарҳақиқат, "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали дунёга ҳайрат ва ҳавас улашди. Очиқ осмон остида нафис фольклор санъати намойиши жорий йилда еттинчи бор ўтказилиб, ушбу санъат байрами етти кун давом этди. Марказий Осиёда биринчи маротаба 20 та ҳаво шари Бойсун узра осмонга кўтарилгани иштирокчиларга ўзгача завқ бағишлади. 20 та тандирда "Тандир Фест" (Сурхонча тандир гўшт) миллий таомлар тайёрланиб, тортиқ этилгани халқимизнинг меҳмондўстлигини кўрсатади.

Бу йилги фестивалда бир қанча рекордлар ҳам янгиланди. Жумладан, бойсунлик чеварлар узунлиги 31 метр, эни 5 метр ҳажмдаги сўзана, ҳунарманд ва тўқувчилар узунлиги 25 метр, эни 5,2 метрли гилам ҳамда диаметри 9 метрли дўппи тайёрлаб намойиш этгани қатнашчиларнинг ҳайратига сабаб бўлди.

Етти кун давомида фестивалда 630 мингга яқин сайёҳлар, жумладан, 10 мингдан ортиқ хориждан ташриф буюрган туристлар иштирок этгани келажакда ҳудуднинг туристик салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Айниқса, бу ноёб ва нафис санъат байрами иштирокчилари ва меҳмонлари узоқ ўтмишдан сўзлайдиган археологик ёдгорликлар — палеолит даврига оид инсоният бешиги саналмиш Тешиктош, Амир Темур ғорлари, 65 миллион йиллик динозаврлар излари, ўз замонида муҳим истеҳком, стратегик иншоот вазифасини бажарган Узундара, Қўрғонзал, Туманқўрғон сингари археологик ёдгорликларига саёҳатлар уюштириб, дунё тамаддуни ҳақидаги билимларни янада бойитиш имконига эга бўлишди.

Шунингдек, хорижлик сайёҳлар иштирокида "Омонхона", "Хўжамайхона" шифобахш сувлари, Тангисар қизил каньонлари, сайёрамиздаги энг чуқур ғорлардан бири — Бойсунтоғ тизмасида жойлашган 2 651 метр узунликдаги "Қора юлдуз" ғорига саёҳатлар уюштирилди.

Дарҳақиқат, фестиваль гўзал табиат қўйнида, юқори ташкилотчилик асосида ташкил этилгани таҳсинга сазовор. Қолаверса, тадбирда турли миллат вакиллари миллий қўшиқ ва рақсларини ижро этиб, ўзларининг санъатини дунёнинг турли минтақаларидан келган санъат ихлосмандларига намойиш этганидан мамнун. Бу йилги фестиваль 7 кун давом этгани эса иштирокчиларда унутилмас таассуротлар қолдиргани, шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, "Бойсун баҳори" халқаро фестивали миллий ўзликни тарғиб этиш, уни кенг омма эътиборига ҳавола қилиш учун яна бир кенг имконият яратди.

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

**Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) футзал терма жамоаларининг янгиланган рейтингига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 139 давлат орасида 11-ўринда қайд этилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 325 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Шерназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6